

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВА УМИДА ЭГАМБЕРДИЕВНА**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по  
филологическим наукам (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Тўраева Умида Эгамбердиевна**  
Абдулла Орипов шеърияти лексикаси.....5

**Тураева Умида Эгамбердиевна**  
Лексика поэзии Абдуллы Орипова.....25

**Turaeva Umida Egamberdievna**  
Poetry lexis of Abdulla Oripov.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
**Список опубликованных работ**  
List of published works.....52

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВА УМИДА ЭГАМБЕРДИЕВНА**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.Phd/Fil689 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида qarshidu.uz ва "Ziynet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сайфуллаева Раъно Рауфовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Умуркулов Бекпўлат**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел. (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел. (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабрь кунини тарқатилди.  
(2020 йил 14 декабрь даги «35» рақамли ресурслар комиссияси).



**Н.Н.Шодмонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол. ф.д.

**Г.Н.Тожиёва**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол. ф.д. (PhD)

**Ж.Жабборов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, филол. ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тилини, хусусан, шеърият тилини ўрганиш, лексик бирликларнинг бадиий матнни шакллантиришдаги ўрни ва эстетик вазифасини аниқлаш, ижодкорнинг индивидуал бадиий нутқини илмий жиҳатдан талқин этиш, шубҳасиз, лингвистиканинг муҳим вазифаларидан биридир. Бундай талқин муайян тилнинг лисоний имкониятларининг нутқий воқеланишини, маълум бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тилшуносликда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари тил таълимининг раванк топиши ҳамда ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш учун хизмат қилади.

Дунё тилшунослигида бадиий нутқни ижтимоий-фалсафий, бадиий, лингвистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганиш соҳаси унча узоқ бўлмаса-да, самарали тарихни босиб ўтди. Бу борада Ғарб, рус ҳамда туркий тилшуносликда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларидан олинган натижалар тилшуносликни янгидан-янги илмий-назарий хулосалар билан бойитиш имкониятини юзага келтирди. Ҳозирги кунда амалга ошириладиган ишлар тилшуносликнинг миллий, шаклий ҳамда услубий жиҳатдан ривож масалаларини асосий эътиборда тутишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ижодкор поэтик нутқини лингвистик нуқтаи назардан ёритишга бағишланган тадқиқотлар, мумтоз ва замонавий адибларимиз индивидуал бадиий нутқи хусусиятларига бағишланган ишларнинг сони анча-мунча бўлиб, улар индивидуал бадиий матннинг илмий тадқиқи орқали она тилимизнинг муайян нозик қирраларини намоён этиши нақадар муҳим зарурият эканлиги халқимизнинг ҳар вақт диққат марказида бўлиши давлатимиз қарорларию ҳужжатларида “...ўзбек тили таълимини такомиллаштириш, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний анъана, кадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросидан ғурурланиш ва уларни янада бойитиш руҳида тарбиялаш”<sup>1</sup> сингари акс этиб турганлигини кўриш мумкин. Шу маънода ўзбек шеъриятининг кейинги даврлардаги буюк сиймоларидан ҳисобланмиш Абдулла Ориповнинг шеъриятини ўқиган киши ҳайратга тушиб, шоирнинг фалсафий-бадиий маҳоратидан ифтихор ва масъулият ҳиссини туяди. Шу боисдан шоир шеъриятини турли лингвистик аспектларда ўрганиш баробарида унинг тарихий-этимологик қатламларга муносабатини белгилаш, қўлланган сўзларнинг серкирралиги, эмоционал-экспрессив хусусиятларини тадқиқ қилиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони. // Халқ сўзи, 2020, 21 октябрь. № 221-222 (7723-7724).

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 304-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълум бир адиб ижодида тил лисоний имкониятининг воқеланиши тадқиқотчилар томонидан бир неча аспектда турли методологик ҳамда методик жиҳатдан ўрганилиши мумкин. Чунончи, ўзбек тилшунослигида муайян бадиий асар тилининг лексико-грамматик хусусиятини ўрганиш,<sup>2</sup> тил бирлигининг лингвостилистик<sup>3</sup> ҳамда

---

<sup>2</sup>Назарова О. О языке произведений Хамзы Хакимаде Ниязи: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1944; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970; Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г.Гуляма: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин”: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Махматмурадov Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хакимаде Ниязи: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфия: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1990; Абулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Холманова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001. Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида *чун* боғловчили гапларнинг синтактик хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“девон”, “мубаййин”, “аруз”): филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Убайдуллаев А. “Луғати туркий”нинг лексикографик тадқиқи: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Абдуҷаббарова Ф. “Қутадғу билег”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексико-семантик талқини: филол. фан. номз.

лингвопоэтик тадқиқи<sup>4</sup> сингари гуруҳларга бўлиш мумкин. Абдулла Орипов шеърятти эса адабиётшунослик нуқтаи назаридан маълум даражада ўрганилган бўлиб,<sup>5</sup> шоир шеърятти лексикасининг эмоционал-экспрессив хусусиятлари алоҳида тадқиқ манбаи бўлмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилининг структур ва социопрагматик тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шоир Абдулла Орипов шеърятти лексикасини лингвистик таҳлил этиш ва тавсифлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижодкор бадиий нутқини ўрганиш муаммолари ва Абдулла Орипов шеърятти лексикасида шоир идиолектини лингвистик тадқиқ қилиш масалаларини ёритиш;

Абдулла Орипов шеърятти лексикасининг тарихий-этимологик катламларини аниқлаш ва бунда:

---

...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Абдишукуров Б. “Қиссаси Рабғузий” лексикаси: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011 ва б.

<sup>3</sup>Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонининг тили ва стили: филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970; Қўчқортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1975; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшина: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърятти лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

<sup>4</sup>Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. - № 4; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр”. – Тошкент, 1982; Яқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Жуманазарова Г. “Ширин ва Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли вариантлари асосида) филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017; Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2019; Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари (метафорик ходисалар мисолида): филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2019; Хамидов А. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси: филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2020.

<sup>5</sup>Қўшжонов М., С. Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000; Қўшжонов М. Онажоним, шеърят. – Тошкент, 1984; Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеъряттида бадиий бутунлик. – Тошкент, 1998; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. – Тошкент, 1998; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъряттида халқона поэтик тафаккур муаммоси: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати: филол. фан. фалсафа док. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2020.

шоир шеърятининг лексикасининг тарихийлик нуктаи назаридан талқинини бериш;

Абдулла Орипов шеърятининг этимологик қатламларини аниқлаш;

шоир шеърятининг лексикасининг мавзувий таркибини белгилаш ва семантик гуруҳларини очиш;

Абдулла Орипов шеърятининг эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўрганиш ва бунда:

Абдулла Орипов шеърятининг узумал эмоционал-экспрессив лексикани аниқлаш;

ижодкор шеърятининг окказионал лексиканинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

шоир шеърятининг луғат-кўрсаткичини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб 8 томдан иборат Абдулла Орипов танланган тўла асарларига жамланган шеърлари, дostonлари ва таржималари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шоир шеърятининг лексикасининг лексик-семантик, семантик-грамматик ва бадиий воқеланиш хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** тавсифлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал, статистик таҳлиллардан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Абдулла Орипов шеърятининг идеографик ҳамда изоҳли луғатини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган, уларни таснифлаш муаммолари аниқланган ҳамда бунда мавзувий-семантик гуруҳлар фактик материаллар асосида далилланганлиги ўзбек жамияти учун янги лексикографик мезон юзага келтирилганлиги ёритилган;

шоир шеърятининг лексикасининг тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилинганда ўз қатлам сўзлари 5525 та, ўзлашма қатлам сўзлари 4821 та эканлиги аниқланган;

ижодкор шеърининг идиолектида умумистеъмол бирликлари ва поэтизмлар миқдоран номувофиклиги аниқланиб, кўчма маъноли сўзлар узумал ва окказионал, ясама лексемалар лисоний ва нутқий турлардан иборат эканлиги очиқ берилган;

Абдулла Орипов шеърятининг лексикасининг 14 асосдаги жами 144844 та лексикографик белги билан тавсифланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижасида олинган хулосалар тилшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши ва ҳозирги давр фани ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий тамойиллар шаклланишига хизмат қилиши кўрсатилган.

Абдулла Орипов шеърятининг лексикасининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-этимологик талқини, шоир қўллаган лексик бирликларнинг идеографик таснифи, лексик-семантик муносабатлар тавсифи ҳамда шеърят тилининг луғат-кўрсаткичи, изоҳли луғати ва уни тузиш тамойилларига оид

тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** келтирилган илмий хулосаларнинг чиқарилишида аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, талқин этилган манбаларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, асосланган назарий ҳукм ва хулосаларнинг амалиётда қўллаш имкониятининг мавжудлиги, илмий хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, диссертацияда қўлланган тадқиқ методлари муайян ижодкорнинг тил лисоний имкониятларидан бадиий фойдаланишдаги индивидуал маҳоратини ўрганишда самарадор ва мукамал эканлигини асослайди ҳамда тадқиқот ижодкор бадиий нутқини эмоционал-экспрессив ҳамда лингвостилистик ўрганиш соҳасидаги келгусида бажарилажак ишлар учун назарий манба вазифасини ўташдан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Абдулла Орипов ижоди лексикасини ўқитиш, шоир ижодига, тилига доир адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари бўйича ихтисослик таълими ва танлама фанлар ташкил этиш, ижодкорнинг индивидуал услуби, нутқ маданияти ва поэтик лексика бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш, шунингдек, адабий ва лингвистик тўғарақлар иши учун материал сифатида фойдаланишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдулла Орипов шеърини лексикасининг лингвистик, лингвостилистик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ижодкор шеърини идиолектида умумистеъмол бирликлари ва поэтизмлар миқдоран номувофиқлиги аниқланиб, кўчма маъноли сўзлар узул ва окказионал, ясама лексемалар лисоний ва нутқий турлардан иборат эканлиги билан боғлиқ натижаларидан ФА-Ф1-ГООЗ “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзРФАҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 2 мартдаги 46-сон маълумотномаси). Натижада поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида тадқиқ қилишда шоир шеърини лексикасида қўлланган лексик бирликларнинг лисоний имкониятлари ва нутқий вокеланишларини асослаш бўйича муайян хулосалар чиқариш имконини берган;

Абдулла Орипов шеърини лексикасининг идеографик ҳамда изоҳли луғати ўзбек жамияти учун янги лексикографик манба эканлигига оид натижаларидан ОТ-Ф8-022 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 октябрдаги 89-03-3994-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш асосида тил инсон тафаккур фаолиятининг асосий механизми ва

қуроли эканлиги, унинг табиати ва маънавий оламининг таркибий қисми сифатида қаралиши ҳақидаги ўринларнинг мукаммаллашишига эришилган;

шоир шеърляти лексик қатламлари таҳлили ва таснифига оид илмий хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувларида адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 июндаги 431-сон маълумотномаси). Натижада “Тил-миллат кўзгуси”, “Файзли кун” телекўрсатув ва эшиттиришлари учун тайёрланган материалларининг мазмунини мукаммалаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 132 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг “**Абдулла Орипов лексикаси тадқиқи ижодкор бадий нутқини ўрганиш муаммолари кўзгусида**” деб номланган I бобида жаҳон тилшунослигида бадий асар тилини, ижодкорнинг индивидуал бадий нутқини илмий ўрганиш лингвистиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, у тил лисоний имкониятларининг нутқий воқеланишини, маълум бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини очиш орқали тил лисоний имкониятининг меъёр “элаги”дан ўтиш хусусиятларини илмий баҳолашда алоҳида аҳамият касб этиши ёритилган.

Дунё тилшунослигида бадий нутқни ўрганиш соҳаси унча узок бўлмаса-да, самарали тарихни босиб ўтди. Бугунги кунда бу борада монографик характердаги қатор тадқиқотлар мавжуд ва уларнинг аксарияти диссертацион ишлар. Бу борада ўзбек тилшунослигида Б.Умурқуловнинг бадий нутқ хусусиятини ўрганишга бағишланган тадқиқоти, ижодкор индивидуал бадий нутқининг фонетик ва морфологик хусусиятларига

бағишланган ишнинг ёрқин намунаси А.Рустамовнинг докторлик диссертацияси<sup>6</sup>, А.Аҳмедовнинг муайян ижодкорлар бадиий нутқида у ёки бу морфологик шаклнинг ишлатилишидаги “муштараклик”ка бағишланган<sup>7</sup> илмий тадқиқот ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижоди замонавий ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутди. Унинг лирик шеърлари, дostonлари ва таржималари фикрнинг чуқур ва теран фалсафийлиги, ифодаларнинг фавкуллодалиги ва жозибadorлиги, халқчиллиги, миллий тил ва миллий руҳ яхлитлигининг гўзал намунаси сифатида ҳайратланишга лойик. Академик М.Қўшжонов таъкидлаганидек, “назаримда шундай бўладики, маълум бир даврда миллион-миллионларнинг дард ва аламини, кўнгил розини изҳор қилиш вазифасини бирор шахс зиммасига юклайди. Йирик шеърят султони шу тарика майдонга чиқади”<sup>8</sup>.

Абдулла Ориповнинг ўзбек миллати ҳаёти ва орзу-армонларини миллий тил имкониятларидан моҳирона фойдаланиб юксак бадиий савияда ифодалаган, миллий руҳ билан суғорилган ижодини, айниқса, шеърятини лингвистик ва лингвопоэтик планда ҳам тадқиқ этиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири.

Абдулла Орипов шеърятини адабиётшуносликда кенг ўрганилаётган мавзу. Зеро, “XX аср ўзбек шеърятининг сўнгги 30-35 йиллик тарихида Абдулла Орипов қадар танқидчилик эътиборига тушган шоир кам топилади”<sup>9</sup>. Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддинов, академик М.Қўшжонов ва филология фанлари номзоди С.Мели, таникли адабиётшунос И.Ғафуровларнинг махсус тадқиқотларида<sup>10</sup> Абдулла Орипов ижодий йўли, шеърятининг тадрижийлик ва маҳорат қирралари батафсил тадқиқ этилган. С.Мамажонов, Б.Назаров, Н.Худойбергaнов, Н.Раҳимжонов, Б.Ақрамов, С.Мирзаев, И.Ғафуров, П.Шермухамедов каби олимлар Абдулла Орипов шеърятинидаги маҳорат қирралари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришган. Шунингдек, шоир ижодининг айрим қирраларини махсус тадқиқ этган номзодлик<sup>11</sup> диссертациялари яратилган, адабиётшунослар Б.Норбоев, И.Тўлаков, Ж.Жумабоеваларнинг докторлик<sup>12</sup> диссертацияларида

<sup>6</sup>Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1969.

<sup>7</sup>Аҳмедов А. Ўзбек адабий тили тарихида ўғуз унсури ва кўринишларининг қўлланиши: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2006.

<sup>8</sup>Қўшжонов М., С. Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 3.

<sup>9</sup>Назаров Б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1999. – Б. 481.

<sup>10</sup>Қаранг: Шарафиддинов О. Шеърят – қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент, 1983; Қўшжонов М. Онажоним, шеърят. – Тошкент, 1984; Ғафуров И. Шеърят – изланиш, курашчанлик демакдир. – Тошкент, 1984; Қўшжонов М., С.Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000.

<sup>11</sup>Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърятинида бадиий бутунлик: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеърятинида психологизм проблемаси. – Тошкент, 1994; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

<sup>12</sup>Қаранг: Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш таомиллари ва маҳорат муаммолари. филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик

Абдулла Орипов шеърятининг айрим жихатлари ҳақида муҳим илмий фикрлар баён этилган.

Абдулла Орипов ижодининг жозибасини таъминлаган бош омил унинг тил имкониятидан фойдаланиш маҳорати. Маълумки, бадий асар тилининг ифодавийлик, таъсирчанлик даражаси тур ва жанрларда ҳар хил намоён бўлади. Бунда, албатта, поэзия, устувор фазилати билан ажралиб туради. Бадий тасвир воситаларининг кўп қўлланилиши ва ранг-баранглиги, образли ва юксак эмоционал қийматга эга бўлган тил бирликларидан фикрни лўнда, қисқа ва ўта таъсирчан тасвирлаш мақсадида заргарона фойдаланиш ижодкордан фикр ифодалашда хассослик ва сўз қўллашда “хасислик”ни талаб қилади. Абдулла Орипов шеърятини ана шу фазилатларнинг юксак намунаси маҳсули эканлиги билан ажралиб туради.

Абдулла Орипов сўзи – том маънода халқ дилидаги ва тилидаги сўз. Шоир ўз шеърларида она тилининг ҳар бир сўзини ардоқлаб, унга тазйик ўтказмасдан, мажбурламасдан ўз ҳолига қўйиб ишлатади. Бироқ тилнинг вокеланиш меъёрлари доирасида шоирнинг бадий мақсадлар учун қўлланилиш доираси чегараланган сўзларни ўз бадий-эстетик мақсадлари учун ундаш, уларга устувор фаоллик бериш, сўзларни мутлақо янги куршовларда қўллаш, шунингдек, янги сўзлар яшаш ҳоллари кузатилади. Бу тил имкониятларига ижобий таъсир кўрсатувчи ҳодиса.

Абдулла Орипов бадий нутқида ишлатилган сўзларнинг тарихий-этимологик мансубиятини ўрганиш ҳам муҳим илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Абдулла Орипов шеърятинида қўлланган форсий-арабий қатламга кирувчи сўзларни иккига гуруҳлаш мумкин:

1) форсий-арабий қатламга мансуб анъанавий лексик бирликлар: *само, боқий, маскан, фалак, кошона, ниҳон, заррин, шукрона, висол, насим, даҳо, завол, навқирон, фироқ, вафо, ногоҳ, ажиб, бокира, сархуш, нечук;*

2) шоир нутқида фаоллашган форсий-арабий қатламга мансуб лексик бирликлар: *наҳот, сурур, алвидо, рангин, хилқат, дилкаш, покдомон, уммон, сийна, рухсор, пурвиқор, заним, ҳилол, маҳваши, бетимсол, фидо, абад, саргашта, жаҳоний, заддор* каби.

Шоир шеърятинида қўлланган сўзларни анъанавий ва ноанъанавий поэтик бирлик сифатида баҳолаш мумкин. Бунда икки ҳолат аҳамиятли. Адабий тил учун ноанъанавий бўлган лексик бирликлар бадий адабиётда анъанавий бўлиши мумкин<sup>13</sup>. Дейлик, *ҳилол* сўзи ҳозирги адабий тил учун архаиклашган бирлик. Бироқ бадий нутқда у анъанавийлик белгисини сақлаб келмоқда:

*Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,  
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун. (Бу кун)*

---

фикрнинг янгиланиши. филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1991; Расулмухамедова Д. Истиклол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари. филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

<sup>13</sup>Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 20.

Абдулла Орипов шеърлятида фаол устуворлик касб этган қатор пассив лексика намуналарига канчалик бадий масъулият юклатилганлигини кузатиш мумкин. Масалан *рўё*, *йироқ*, *югурик*, *каҳкашон*, *дардкаш* сўзлари шоир каламида фаоллашган ва янги моҳият касб этган лексик бирликлар.

*Рўё:* *Агар алдамаса шу совуқ симлар,  
Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.* (“Муножотни тинглаб”)

*Каҳкашон:* *Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир  
Шундай буюкларнинг Каҳкашониди.* (“Некрасов ҳасрати”)

Абдулла Орипов поэтик нутқи лексикаси таркибида янги ясалмаларнинг ўрни бениҳоя катта. Масалан, биргина *-дош* кўшимчаси воситасида ясалган *жондош*, *тўйдош* (*Ҳар нечук, шоирман — сен билан жондош, Тўйингда тўйдошман, тирик елкадош.* (“Жангдан қайтмаган шоирларга”), *зурурдош* (*Фуруримга зурурдош замонга минг ташаккур.* (“Аллома”), *елкадош* (*Улуғ елкадошим, музаффар ҳаёт* (“Баҳор”) индивидуал ясалмалари фикримиз далили.

Шоир ижодининг ўзига хослигини таъминловчи воситадан бири унинг шеърлятини безаб турган окказионал сўзлар ва сўзларнинг окказионал маъноларда қўлланилиши. Ўзбек тили поэтик лексикасини тадқиқ қилган олим Б.Умурқулов Абдулла Орипов ижодига хос оригинал окказионализмлар ҳақида шундай ёзади: “шоир томонидан қўлланган окказионализмлар поэтик нутққа мослиги, оригиналлиги билан ажралиб туради. Масалан, шоир *куз* сўзига эквивалент сифатида *кузак* окказионал сўзини яратиб, уни жуда ўринли ишлата олган:

*Кечки кузак кирмоқда, нина сочар изгирин.* (“Манзара”)<sup>14</sup>

Умуман олганда, сўз санъаткори Абдулла Орипов шеърлятининг бадий лексикаси ўзига хос, унда ўзбек тили лисоний имконияти бетакрор тарзда воқеланган.

Бадий тил лексикасида адабий тилда эскирган ва қўлланилиши чегараланган сўзлар сифатида қаралувчи архаик ва тарихий сўзларнинг ўрни ва бадий вазифаси мавжуд. Абдулла Орипов шеърляти лексикасидаги эскирган сўзларни кузатиш натижасида амин бўлдикки, уларнинг қўлланиш – бадий фаоллашишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, адабий анъана бундай сўзларни ишлатиш заруратини келтириб чиқарса, иккинчидан, ижоддаги тақлидчилик бунга олиб келади. Учинчидан, бадийлик талаби, тарих воқелигини, тарихий руҳни яққол бериш эҳтиёжи эскирган сўзларни қўллашни тақозо қилади.

<sup>14</sup>Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 20.

Абдулла Орипов шеърларида архаик сўзларни ишлатишнинг бир неча асоси кузатилади. Шоир эмоционал-экспрессивликни таъминлаш нуқтаи назаридан архаик сўзни қўллайди. Масалан:

*Лермонтовнинг ўтли бир мисрасига  
Озод Ўзбекистон оташи нисор. (“Совға”)*

*Нисор* сўзи тарихийлик нуқтаи назаридан архаик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзга шундай изоҳ берилади: “**НИСОП** [а] *эск.кт. 1 айн. курбон. Ёрингга, эй нигор, вафо қил, Жонингни эт нисор, вафо қил. Ё. Мирза.*

*2 айн. чочик II 2. [Навоий:] Ташаккур билдириб наққошингизга, Нисор этсам бу зарни бошингизга. Уйғун ва И.Султон, Навоий*<sup>15</sup>. Сўзнинг шеърдаги маъноси ЎТИЛда берилган иккинчи семеманинг нутқий вокеланиши, шоир уни “совға”, “инъом”, “эхсон” маъноларида қўллаган ва луғатда *эск.* белгиси берилган сўз кучли бадиий эмоционалликни таъминлаган.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърлятида ишлатилган қўлланилиши чегараланган сўзларни тарихийлик нуқтаи назаридан: 1) эскирган сўзлар; 2) неологизмлар сингари икки гуруҳга бўлиш мумкин. Улар сирасида эскирган сўзлар шоирнинг турли бадиий-эстетик максадига мувофиқ равишда фаол поэтик лексика таркибига кирган. Эскирган сўзлар шоир қаламида бадиий ифоданинг таъсирчанлигини ошириш, тарихий давр нафасини бериш ва бадиийлик талаби билан қўлланса, неологизмлар қисман янги вокеликни бадиий ифодалаш ва асосан, бошқа ижтимоий-маънавий муаммоларнинг бадиий талқини учун мотив вазифасида қўлланган.

Абдулла Орипов шеърлий лексикаси **этимологик** нуқтаи назардан куйидаги манбалар асосида шаклланган.

1. Туркий сўзлар қатлами. Туркий сўзлар ўзбек мумтоз шеърлятида, замонавий поэзияда ҳам фаол сўзлар бўлиб, улар бир томондан кўп қўлланилиши билан характерланса, иккинчи томондан янгидан-янги поэтизмлар яшаш учун хизмат қилади. Бу анъана Алишер Навоий хизматлари ўлароқ юзага келди.

Абдулла Орипов шеърлятида бугунги кунда адабий тилимизда фаол бўлган лексик бирликлар ҳам, адабий тил учун архаик, бадиий нутқ учун анъанавий бўлган туркий сўзлар ҳам беҳад сермахсулдир: *ўрта, тутилди, қора, қайради, буюк, бўлаётир, улуг, қўл, ёз, қиздирса, сиз, келгуси, бир, қонни, тоблайти, совға, ўтли, тагин, юрт* каби.

Шоир шеърлятида адабий тилда кам қўлланувчи, бироқ поэтик нутқда фаоллигини сақлаб қолган умумтуркий сўзлар талайгина: *буткул, битмоқ, бол, озоч, билмам, балдоқ, оққув, долгали, боқурман, ёвқур, пучмоқ, қасирга,*

<sup>15</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 41.

чўнг, чеврилсин, бовурим, югурик, тўнган, балқарсан, унут, нечун, экин, очун, огу, тегра, чечак, эрур, ялов, ўшал, суй (сув)каби.

2. Форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар Абдулла Орипов шеърлятида анча фаолдир. Бундай сўзлар аввало от, қолаверса, сифат туркумига мансуб лексик бирликлардир: *абр, бешак, бетимсол, бемисл, бемажол, астойдил, ларзакор, сунбулбанд, хазонрез, дилтанг, сармаст, жувонмарг, беомон, яккаш, паршон, бамисли, хилхона* ва б.

3. Абдулла Орипов шеърляти лексикасининг яна бир манбаси араб тилидан ўзлашган сўзлардир. Муштараклик ва анъана шоир шеърлятида қўлланган арабча сўзларнинг поэтик бўёқдорлигини намойиш этган. *Абад, азим, ҳажр, айём, зорат, анбар, ганим, андалиб, хилқат, қалб, фараҳ, узор, санам, башар, баҳр, боқий, васл, висол, ишқ, ошиқ, кабир, кадар, малак, истиқлол, мустаҳиқ, мусалло, мумтоз, алжабр, гариб, муножот, ҳаловат, шайтон, муҳаббат, ҳабиб* сўзлари шулар жумласидандир.

4. Европа тилларидан кириб келган сўзлар Абдулла Орипов поэтик лексикаси таркибида анча миқдорга эга. Булар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, терминлар, шунингдек, таржималардаги ва шеърлардаги ҳар хил атокли отлардир.

**“Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган лексик бирликлар таснифи ва тавсифи”** деб номланувчи II бобда Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган лексик бирликларнинг идеографик таснифи, бу борада юз берадиган муаммолар, мазкур лексик бирликларни идеографик гуруҳлаш, уларнинг мавзувий гуруҳлашдаги ўзига хосликлари, шоир шеърлятининг лексик-семантик муносабатлари ҳамда уларнинг таснифи тадқиқ қилинган.

Тасниф, борлиқдаги барча ҳодисаларда бўлгани каби лисоний бирликлар тизимида ҳам муҳим. Ўзбек тилшунослигида лисоний таснифнинг назарий асослари яратилмаган. Бироқ сўзларнинг серкирралиги, уларни таснифлаш асослари, лексемаларнинг луғавий-маъновий гуруҳлари, луғавий-мавзувий гуруҳлари, луғавий-маъновий тўдаларга ажратиш ва бундай тизимларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида қимматли фикрлар баён этилган<sup>16</sup>.

Лисоний тасниф натижаси ўлароқ, лексик бирликлар луғавий-маъновий гуруҳларга, луғавий-мавзувий гуруҳларга, луғавий-маъновий тўдаларга ажратилади. Бу микроtizимларни аниқлаш икки йўл билан амалга оширилади. Биринчи усулга кўра, уларга “нутқ-лисон” тамойили асосида ёндашилса, иккинчи усулга кўра эса, унга “лисон-нутқ” тамойили асосида муносабатда бўлинади. “Тасниф – бу предметларнинг ҳар бир гуруҳ доимий ўрин эгаллайдиган бўлинишидир”<sup>17</sup>.

Лисоний бирликларнинг дастлабки бўлиниши бўлган луғавий-мавзувий майдон бир умумий тушунча доирасида турли туркум бирликларини ўзида бирлаштиради. Бошқача айтганда, илк босқич таснифида сўз туркумлари тушунчаси ахамият касб этмайди. Шу боисдан

<sup>16</sup>Мадраҳимов И. Сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1994; Абдиев М. Соҳа лексикасини система сифатида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 177 б.

<sup>17</sup>Гетманова А.Д. Логика. Учебник для пед.вузов. – М.: Высш.шк., 2000. – С.53.

кузатишлар асосида тил ходисалари куйидаги тушунчаларни ифодалашни асосида гуруҳланмоғи мақсадга мувофиқ деган фикрга келинди:

- 1) илохий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар;
- 2) табиат тушунчаларини ифодаловчи сўзлар;
- 3) ижтимоий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар;
- 4) борлик қурилишига доир тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.

Тасниф қилинган сари сўзларни ажратишда мураккаблик кучайиб боради. Мавзувий майдон мавзувий типларга ажралади. Хусусан, табиат оламига хос тушунчаларни ифодаловчи сўзлар иккита ички: а) *жонли табиий оламга хос тушунчаларни ифодаловчи мавзувий типга* ва б) *жонсиз табиий оламга хос тушунчаларни ифодаловчи мавзувий типга* ажралади. Иккинчи босқичда: а) *биологик ҳодиса сифатида одам* ва б) *ҳайвонот олами жонли мавжудот кўринишлари сифатида* ажралиб чиқади.

Учинчи босқичда луғавий-мавзувий тўплам ажралиб чиқади. Хусусан, ҳайвонот олами ўз ўрнида: а) *қуруқлик ҳайвонлари*; б) *сув ҳайвонлари*; в) *парранда олами* каби луғавий-мавзувий тўпламларига бўлинади.

Луғавий-мавзувий тўплам тўртинчи босқичда луғавий-мавзувий тўдага ажралади. Масалан, қуруқлик ҳайвонлари луғавий-мавзувий тўплам: а) *уй ҳайвонлари* ва б) *ёввойи ҳайвонлар луғавий-мавзувий тўдаларига* бўлинади. Бешинчи босқичда: а) *иш ҳайвонлари*; б) *қўриқчи ҳайвонлар*; в) *истеъмол ҳайвонлари* каби мавзувий тўдалардан ташкил топади ёки уларга бўлинади.

Тил ходисаларининг таснифи, уларда полисемантиклик ҳодисаси мавжудлиги ўлароқ, ҳар доим мураккаб ва чигал масаладан бўлиб келган. Хусусан, поэтик лексикада тил бирликларининг ўзига хос қўлланиш хусусиятига эгаллиги, поэтизмларнинг кўпинча кўчма маънода қўлланилиши ва, бадиий мақсад натижаси ўлароқ, ифодалайдиган кўчма маънолари окказионал ва том маънода нутқий табиатга эгаллиги уларга нисбатан қўлланиладиган лисоний таснифни ўта мураккаблаштиради.

Идеографик таснифнинг ибтидосида турган “Илохий тушунчалар” мавзувий майдонидан ўрин эгаллайдиган *илоҳ, аллоҳ, тангри, яратган, парвардигор, худо, эгам* сўзлари Абдулла Орипов поэтик лексикаси таркибида зиммасига ўзига хос бадиий масъулиятни олган ва шу боисдан уларнинг қўлланиш частотаси фаркланади. Хусусан, шоир шеърлятида *худо* сўзи 250, *тангри* 170, *аллоҳ* сўзи 140, *ҳақ* сўзи 84, *парвардигор* сўзи 55, *илоҳ* сўзи 50, *яратган* сўзи 40, *эгам* сўзи 26 марта қўлланган. *Худо* сўзи *худо, худолар, худойим, худованд, тангри* сўзи *тангри, тангри таоло, аллоҳ* сўзи *аллоҳ, фаллоҳ, аллоҳим, валлоҳ, валлоҳу аъзам, аллоҳу акбар, парвардигор* сўзи *парвардигор* ва *парвардигорим, яратган* сўзи *яратган, яратган қодир Халлоқ, яратган Ҳақ*, *эгам* сўзи *эса эгам, Қодир эгам* шаклларида учрайди ва шеър мисраларида фақат “яратувчи, Аллоҳ, худо” маъноларида ишлатилган.

Абдулла Орипов шеърлятида идеографик таснифда табиий олам ходисаларини ифодаловчи сўзлар майдонига кирувчи:

#### 1. Жонли табиий олам

- 1.1. Одам
- 1.2. Ҳайвон
- 1.3. Парранда

ҳамда:

- 2.1. Макон
- 2.2. Замон
- 2.3. Жисмлар

2.4. Табиий ходисалар таркибига кирувчи тушунчаларни ифодаловчи сўзлар талай.

Абдулла Орипов шеърятти лексикасини кузатиш унда тематик жихатдан ранг-баранг сўзлар қўлланилганини кўрсатади. Умумлаштириб олганда, ундаги ҳар бир тематик гуруҳга кирувчи сўзлар баъзан вазн ва қофия, баъзан бошқа бир бадиий талаб тақозоси билан ишлатилган. Шунингдек, бу талаб сўзларнинг турли қатламларга мансублигини, туб ёки ясамалигини, ясамалилик ва қўлланишнинг окказионал ёки узуаллигини таъминлаган. Шеърят тилида қўлланган сўзларнинг ранг-баранглигини кўрсатиш мақсадида уларнинг мавзувий гуруҳлар бўйича бўлиниши берилди.

Тилнинг бойлиги улардаги турли хил семантик муносабатнинг ранг-баранглиги билан ҳам белгиланади. Бу эса уларнинг нуткий воқеланишида, хусусан, бадиий нутқ кўринишларида ажиб бир гўзаллик ифода этади. Абдулла Орипов шеърларида тилнинг бундай инжа ходисаларига кенг мурожаат қилиб, улардан унумли фойдаланади ва ўзининг бадиий тафаккурига муносиб гўзал ва “бежирим” “лисоний либос” танлайди.

Абдулла Орипов сўзлараро синонимик муносабатлар имкониятларидан кенг фойдаланган. Синоним бирликларнинг шоир шеъряттида қўлланилишида бир неча ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчидан, шоир бир синонимик қаторга кирувчи лексик бирликларнинг турлича маъно товланишларини эътиборга олиб ҳамда уларнинг ифода семаларидаги ҳар бир маъно нозиклигини закийлик билан англаб, кўтаринкилик, ифодавийлик ва тантанаворликни таъминлаш мақсадида маънодош бирликнинг бирортасини танлайди. Иккинчидан, вазн ва қофия талаби ҳам шоирнинг у ёки бу бирликни танлашини тақозо қилган. Учунчидан, тарихий руҳни сақлаш зарурияти эса синонимик қатордаги эскирган, архаиклашган бирликларнинг қўлланилишига сабаб бўлган.

Синоним сўзлар ўзаро ифода семалари асосида фарқланар экан, бу фарқ уларнинг услубий фарқланишини, шунингдек, бадиий услубда насрий ва шеърый нутқда қўлланишига кўра тафовутларини ҳам келтириб чиқаради. Абдулла Орипов шеъряттида бу маъно нозикликлари теран илганган ҳолда қўлланганлигига амин бўлдик. Абдулла Орипов шеъряттида от туркумига мансуб *қуёш*, *кун*, *офтоб* сўзлари ўзига хос поэтик қўлланишга эга. Маълумки, бу сўзлар ўзаро семантик структурасидаги ифода семаларига кўра жиддий фарқларга эга. Тилшунос А.Ҳожиев “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да *қуёш*, *кун*, *офтоб* сўзлари ҳақида фикр юритар экан, уни “иссиқлик ва нур тарқатиб турувчи планета. **Қуёш** термин сифатида ҳам қўлланади. **Кун** кўпроқ сўзлашув тилига хос. **Офтоб** – бу маънода *қуёш*, *кун*

сўзларига нисбатан кам қўлланади” деб изоҳлайди<sup>18</sup>. Бироқ олим *шамс* сўзини синонимик қаторда келтирмайди. Ушбу синонимик қаторга мансуб, бироқ кам истеъмоллиги сабабли синонимлар изоҳли луғатида қайд этилмаган *шамс* сўзи шоир шеърларида юксак поэтик оҳангларда жаранглайди:

*Гар фалак буржиди шамс уйқуга солса ўзни,  
Етди навбат бизга деб чақнар эмиш сайёралар.* (“Бул ажаб...”)

Диссертациянинг III боби “**Абдулла Орипов шеърляти тилининг лексикографик масалалари**” деб номланган ва унда Абдулла Орипов шеърляти тилининг лексикографиядаги ижодкор индивидуал нутқи луғатини тузиш тамойиллари ва унинг аҳамияти, шоир шеърлятининг луғат-кўрсаткичи ҳамда унинг изоҳли луғатини тузишнинг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, сўз маъносини тавсифлаш усуллари ҳақида фикрлар билдирилган.

Матн рўйхатини олмасдан, уни баён қилмасдан туриб қилинган хулосалар тасодифий далиллар ва кузатувчининг субъектив таассуротларигагина асосланади, нашр этилган танқидий матннинг бўлмаслиги эса бу соҳада қандайдир жиддий илмий кузатиш масаласини кун тартибига қўйишни йўққа чиқаради<sup>19</sup>.

Кўринадик, ижодкор идиолектини тадқиқ қилишнинг ибтидоси унинг нутқи луғатини тузиш. Луғат тузишнинг ўзи ҳам лексикографик назариянинг юзага чиқиш усули бўлиб, бу амалиёт ибтидоси-ю интиҳосининг муайян тадқиқ йўналиши ва усуллари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бугунги кунда замонавий ўзбек адиблари идиолекти луғати тузилмаган. Шу боисдан муайян бир адиб ҳақида айтилаётган фикрлар илмий далиллардан йироқ ва кўп ҳолларда асоссиз. Масалан, шоир Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган *кузак* сўзи тадқиқотчида поэтик фаолдек тасаввур уйғотади. Зеро, у бошқа адиблар нутқида кам учрайди. Лекин унинг шоир шеърларида бор-йўғи икки марта ишлатилганлиги мавжуд қарашларимизни бутунлай ўзгартириб юборади. Бунга эса биз ижодкор луғатини кузатиш орқали амин бўламиз.

Ижодкор индивидуал нутқи луғати тилшунослик учун ҳам, адабиётшунослик учун ҳам бирдай аҳамиятли. Тилнинг лисоний имкониятларидан қандай ва қанчалик фойдаланётганлигини аниқламасдан туриб, замондош бўлган турли адиблар ижодидаги умумийлик ва индивидуалликни баҳолаб бўлмайди. Масалан, “Пушкин тилининг луғати” тузилмаганда биз *позор* сўзининг “Деревня” шеърда *томоша* сўзига синоним сифатида ва худди шу маънода “Руслан и Людмила”да ҳам қўлланганлигидан хабардор бўлмас эдик. Ёхуд А.Белийнинг “Пушкин *қуёши* Тютчев *қуёши*дан қандай фарқ қилади” тарзида қўйилган мантиқли саволини

<sup>18</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 259.

<sup>19</sup>Османов М.Н. Частотный словарь Унсур. – М.: Наука, 1970. – С. 5.

ёдга олинг. Чунки, “ижодкорлар ўзларидаги умумийлик билан эмас, балки бир-бирларидаги ўзига хосликлари билан кишини жалб этади.”<sup>20</sup> Индивидуал нутқ луғатлари давр тили ва ижодкор идиолекти, шунингдек, замондош адиблар ижодини чоғиштириш методи ёрдамида ўрганишнинг асосий курали. Шунингдек, ижодкор эстетик дунёқараши, унинг бадиий тафаккурида борлиқнинг, даврнинг, тарихий муҳитнинг акс этиш даражасини аниқлашда ҳам мазкур типдаги луғатларнинг аҳамияти катта.

Демак, кўринадики, адиб индивидуал нутқининг луғат-кўрсаткичи унинг ижодини ўрганишда калит вазифасини ўтайди.

